




Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

14-may
2026-yil
19 (1 173)

21asr.uz | XIASR | XXI_asr@mail.ru | xxiiasrgazetasi | XXIasrgazetasi



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

РИЁСИЗ СЎЗЛАР

Муқаддима

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни ҳуш кўради. Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки галабаси уларнинг руҳиятини кўтарди. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилди. Худого минг шукри, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдарига тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туйғали инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўпга бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги савий-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдим. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладим. Барабарига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганамми, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз!

Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку!

Унинг ортида кимнинг меҳнатига заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди?

Мамлакатимизнинг барча худудда ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишляпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат ин-

соннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, ҳушодам қилиш ниятим йўқ. Нимага ҳушодам қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, муқофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга лиқилламай олган бўлсам...

1

Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди? Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исмасди. Бир фарзандим кейинчалик “Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслади.

Нафақага чиқдим. “Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади”, дейишди. Нима дейман? Ҳўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку айтмай. Дўконга борсан. Керакли молнинг нарҳини сўрайсан. “Нақд олсангиз — саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз — юз...”

Деновда — бозорнинг нақ ўртасида “пластик картадаги пулни нақда алмаштириш пункти” очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг даҳшати, бу “пункт”ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгига рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўрқув. Бу қўрқувдан яралган тақдирсизлик — эрдан уйлашдан чўчиш — мудом елқандан тошдай бошиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган — аллақандай шанги хотинлар...

Бозорга борсан. Ҳар қадамда “долларчи”лар шайқаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар банд. Кўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар

одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни форибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат тўзилди. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Ҳўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонидан кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни суғуриб олдилар, — деб зориллаб эслайдилар уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. — Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурдилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тазийқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан бешиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар. Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: “Ана сиз орзу қилган истиқлол...”

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-ҳарис йўл билан пул тўплайпти. Пайти келгач, пулни кўтариб, хорижга жўнаб кетасди” деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туйғали телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб борагани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғайбатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва тўғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминини эслашман.

Авж олган муаммоларни бартара

раф этиш йўллари ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргилиқлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлаш бошлади. Пенсиялар тўлиқ берилмаган бўлди. Банклар янгица ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қашатган мустақилликнинг зарарқунандалари шайқасини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлар қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта — бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини хасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кетасди. Бу иш осон бўлмади. Бўшанроқ бир одам бўлганда улар билан муроаси мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватани бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватани ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади. Қотиллик иллоти юққан бу касалардан эл-юрт озод қилинди. Аввал “тепа”даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватани халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

6

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Туркий дунё адабиётининг атоқли намояндаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Йўлдош Эшбекка Президентимиз томонидан уч хонали замонавий уй совға қилинди!

ТАШАББУС

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДАСТУР

мақсади, мазмун-моҳияти, долзарблиги хусусида
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси
Ақтам Хаитов билан суҳбат

— Ақтам Аҳмадович, кейинги йилларда O‘zLiDeP мамлакат сиёсий ҳаётида тобора фаол ва таъсирчан куч сифатида намоён бўлаётганига барчамиз гувоҳимиз. Бундай шижоат ва дадиллик замирида қандай омиллар мужассам деб ўйлайсиз?

— Бугунги кунда O‘zLiDeP ўз сафларида жамиятимизнинг 2 миллион 300 мингдан ортиқ энг фаол ва фидойи аъзоларини бирлаштирган йирик сиёсий кучга айланди. 2023 йилда амалга оширилган тарихий конституциявий ислохотлар, шунингдек, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим бурилиш ясаган Президент ва парламент сайловларида партиямиз ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган етакчи куч сифатида намоён бўлди.



Кувонарлиси, ушбу юксак мақом нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Албатта, бу натижалар биз учун фахру ифтихоргина эмас, балки улкан масъулият демакдир. Бу каби улкан вазифалар моҳиятини чуқур англаш ва унга муносиб бўлиш биздан фаолиятимизни мутлақо янги сифат босқичига олиб чиқишни талаб этмоқда.

Бугунги шиддатли ва мураккаб даврда партиямиз ислохотлардаги иштироки кўлами ҳам, самарадорлиги ҳам замон талабларига мос бўлиши зарур. Шу мақсадда партия фаоллари билан кенг муҳокама-лар асосида моҳиятан халқ дардига яқин бўлган, аҳолининг барча қатламларига етиб боришни мақсад қилган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва шу йил апрель ойидан бошлаб амалиётга татбиқ этилди.

3

2 ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ: O‘zLiDeP Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлайди



4 ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР: ИМКОНИЯТМИ ЁКИ ТЎСЛАР?



5 “ШАТАККА ОЛИШ” МЕХАНИЗМИ



ЭРТАМИЗ ЭҒАЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ:

O'zLiDeP ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлайди

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ АКТАМ ХАЙТОВНИНГ ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида ташкил этилган мазкур учрашув нафақат байрамона тадбир, балки мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган шижоатли ёшларнинг ўзаро фикр алмашиш майдонига айланди.

Тадбир аввалида иштирокчилар талаба-ёшлар томонидан тайёрланган инновацион ишланмалар ва ижодий намуналар кўргазмаси билан танишдилар. Бу ерда акс этган стартап лойиҳалар ва сунъий интеллект имкониятлари бугунги ўзбек ёшларининг жаҳон билан бўйлаша оладиган салоҳиятга эга эканлигини яққол намоян этди.

Учрашувни очиб берган маърузачилар таъкидлаганидек, бугун ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган. Айниқса, “Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегияси доирасида яратилган имкониятлар, 200 дан ортиқ имтиёзлар пакети ва “Ёшлар дафтари” тизими минглаб йигит-қизлар ҳаётида туб бурилиш ясади.

“Ёшлар – шунчаки келажак эмас,



балки бугунги тараққиётни белгилаб бераётган асосий кучдир. Бизнинг вазифамиз – уларнинг интилишларига қанот бўлиш”, деди **O'zLiDeP раиси Актам Хайтов**.

Партия раҳбари ўз сўзида O'zLiDePнинг 2 миллион 300 мингдан ортиқ аъзоларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини, шу боис партия уларнинг тадбиркорлиги ва инновацион ғояларини ҳимоя қилишни ўзининг бош мақсади деб билишини алоҳида қайд этди.

Тадбирнинг энг қизиқарли қисми савол-жавоблар жараёни бўлди. Талабалар ва ёш фаоллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

ҳамда партия мутасаддиларига ўзларини қизиқтирган барча масалалар билан юзландилар.

Муҳокама марказида IT ва рақамли технологияларни ўзлаштириш, кичик бизнес учун имтиёзли кредитлар олиш тартиби, таълим грантлари ва илмий тадқиқотларни молиялаштириш каби мавзулар бўлди. Парламентдаги **O'zLiDeP фракцияси аъзолари Гулшана Худайрова** ва **Равшан Фозилов** навқирон авлод вакилларининг ҳар бир тақлиф-мулоҳазалари қонунчилик жараёнида ва партиявий лойиҳаларда эътиборга олинишини таъкидлашди.

Учрашув доирасида алоҳида

иқтидор ва ижтимоий фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ талабалар – **Нилуфар Раҳмоналиева**, **Мафтуна Абдужаппарова**, **Шаҳзода Хусанбоева** ва **Ҳасан Раҳматовга** сиёсий кучнинг махсус стипендияси топширилди.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли дақиқаларидан бири дизайн ва технологиялар факультети талабаси **Ҳасан Раҳматовнинг** тақдирланиши бўлди. Тақдир синовлари сабаб ота-она қарамогидан эрта маҳрум бўлган, жисмоний имконияти чекланганлигига қарамай, билим олишдан тўхтамаган бу йигитнинг эришаётган ютуқлари барчани тўлқинлантириб юборди.



Учрашув якунида таъкидланганидек, Ватанимиз тараққиётининг янги босқичи ҳар бир ёшдан фидокорлик ва билимга чанқоқликни талаб этади. Бугунги мулоқот уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга шубҳа йўқ.

Сўз O'zLiDeP стипендияси совриндорларига:

Ҳасан Раҳматов, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти дизайн ва технологиялар факультети талабаси:

– Тўғриси, бугунги эътибордан бошим кўкка этди. Тақдирнинг турли

синовларига қарамай, ўзимни ҳеч қачон ёлғиз ҳис қилмаганман. Халқимиз, Президентимиз ва, қолаверса, шундай хайрли ташаббуслари билан эътибор қозонаётган етакчи куч – O'zLiDeP биз каби ёшларнинг нафақат таълим олиши, балки жамиятда ўз ўрнини топиши учун чин дилдан қайғураётганини бугун яна бир бор ҳис қилдим. Мазкур стипендия мен учун катта имкониятлар эшигини очди. Келгусида моҳир дизайнер бўлиб етишиб, юртимиз байроғини юксакларга кўтаришга ва мени қўллаб-қувватлаган инсонлар ишончини оқлашга ваъда бераман.

Нилуфар Раҳмоналиева, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти sanoat технологиялари ва механика факультети талабаси:

– Бугунги эътироф мен учун ҳам қувонч, ҳам улкан масъулиятдир. Партия томонидан берилган ушбу стипендия нафақат моддий рағбат, балки биз каби интилувчан ёшларнинг ғояларига бўлган ишонч деб биламан. Очиқ мулоқот давомида биз ўз тақлифларимизни бевоқиф партия раҳбарияти ва депутатларга етказиб олдик. Бундай эътибор бизни янгидан-янги марралар сари руҳлантиради ва Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ундайди.

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

САЙЁР ҚАБУЛЛАР, БАЙРАМ ШУКУҲИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасидаги эзгу ишлар изчил давом этмоқда. **Жўржон Кенгес депутати Мурат Атамуратов** ташаббуси билан Ишбилармонлар ҳудуди маҳалласида яшовчи **Айбек Қурбоновлар** оиласига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Урганишлар давомида ушбу оила истиқомат қилиб келаётган бир хонали уй анча эскириб, авария ҳолатига келиб қолгани маълум бўлган эди. Эзгу ташаббус асосида эски ва носоз уй ўрнига замонавий ва шинам тўрт хонали янги хонадон қуриш ишлари бошлаб юборилди.



Маҳалла раиси **Багдагул Қудайбергенова** ҳам ушбу ташаббус маҳалладаги аҳиллик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаётганини таъкидлади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Сергели туманидаги Янги Бунёдобод, Меҳриёғ ва Бунёдобод маҳаллаларида ташкил этилган тадбир нафақат моддий кўмак, балки аҳоли билан бевоқифа мулоқот майдонига айланди. **Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Умид Мухаммедов** ёшлар муаммоларини ўрганиш ва эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатди.



Юнусобод туманида эса нурунийларнинг дуосини олиш, уларга маънавий далда бериш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. **Партия туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Иқборхон Ашрапова** бошчилигидаги фаоллар кекса авлод вакил-

ларига ҳурмат кўрсатиб, уларнинг саломатлиги ва яшаш шароитларидан хабар олишди.

Эътироф жоизки, ушбу тадбирлар шунчаки бир марталик акция эмас, балки партиянинг муҳим стратегик макссадларини ифода қилади. Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳри бўйлаб давом этаётган бу каби тадбирлар жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ва халқнинг давлатга ҳамда сиёсий институтларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Шайхонтохур туманидаги Янгиобод маҳалласида ташкил этилган тадбир унутилмас воқеага айланди. **Халқ депутатлари туман кенгаши депутати ва маҳалла раиси Манзура Валиева** маҳаллабай ишлаш тизимида кексаларнинг ўрнини алоҳида эътироф этди. **Партиянинг Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов** эса “Кексаларга меҳр” акциясининг жамиятни жиёслаштирувчи ижтимоий аҳамияти ҳақида сўз юритди. **O'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Гулшана Худайрова** нурунийларни қўллаб-қувватлашга оид янги қонунчилик ташаббуслари ва давлат томонидан берилётган имтиёзлар ҳақида маълумот берди. Тумани ҳокими **Бобур Абубакиров** кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибаси ёшлар тарбиясида беқиёс мактаб эканини таъкидлади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасидаги бу галги манзил Паркент туманининг сўлим Номданақ қишлоғи бўлди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 11 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари истиқомат қилмоқда. **O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев** бошчилиги-



даги партия фаоллари Паркент туманида умргузаронлик қилаётган, 102 ёшни қаршилаган табарруқ инсон **Анорбой ота Жалиловнинг** хонадонига бўлишди.

Анорбой отанинг ҳаёт йўли матонат ва фидойиликка йўрилган. Урушда жасорат билан курашиб, 1950 йилда юртга қайтган, 30 йил давомида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида болаларга таълим берган. Партия фаоллари билан суҳбатда отахон бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадри, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ислохотлардан мамнуллигини билдирди.

Учрашув якунида Анорбой отага партиянинг совғала-

ри топширилди. Отахон қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилади.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА, O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

НАВОЙ

Хатирчи туманидаги Наврўз маҳалласида партия вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган сайёр қабулда туман ҳокими **Умиджон Адизов** иштирок этиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилди.

Тадбирда 300 га яқин фуқаро иштирок этиб, ўзларини қийнаётган муаммолар, тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Ички йўллар, электр таъминотини яхшилаш, ййлов ерлари чегараларини аниқ белгилаш, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби долзарб муаммолар кўтарилди. 50 дан ортиқ мурожаатнинг 30 таси жойида ҳал этилди. Қолганлари бўйича тегишли ташкилотларга расмий сўровлар юборилди.

Кексалар учун маданий-маърифий саёҳатлар ташкил этиш тақлифи ҳам илгари сурилди. Ушбу ташаббус қисқа вақт ичида амалга оширилиб, 6 май кунги бир гуруҳ кекса-



лар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди. Улар юртимизнинг бой тарихи ва маданий меросини ўзида мужассам этган обидаларни зиёрат қилишди. Айниқса, қайта таъмирланиб, янада обод қиёфа касб этган **Имом Бухорий** мажмуаси уларда катта таассурот қолдирди.

Қабулда иштирок эта олмаган имконияти чекланган фуқароларнинг хонадонларига ҳам борилиб, уларнинг яшаш шароити ўрганилди, эҳтиёжмандларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, 21 ёшида автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолган, 36 йилдан буён укаси парваршида яшаб келаётган фуқаронинг ҳолати масъулларни сергак торттирди. Унга соғлигини тиклаш учун сиҳатгоҳга йўланма расмийлаштириб берилди.

АНДИЖОН

Вилоятнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Пахтаобод тумани **Абу Али ибн Сино** номидаги “Жамоат саломатлиги” техникумида ўтказилган тадбирда фуқароларнинг мурожаатлари шунчаки тингланмай, уларга реал ечимлар топилди.

Сайёр қабулда иштирок этган 30 дан ортиқ маҳал-

ла вакиллари ўзларини қийнаётган масалалар билан масъулларга юзланишди.

Натажани қаранг: 50 дан зиёд мурожаат келиб тушди; 30 дан ортиқ масала шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди; 5 нафар талабага контракт тўловларини қоллаш учун ваучерлар берилди; 2 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси ва 2 та қўлтиқтаёқ топширилди.




Хусан, Ҳаётбахш маҳалласида яшовчи **Ҳилола Сайфуллаеванин** олий таълим контракти масаласи кўриб чиқилиб, унга Ёшлар агентлиги томонидан шартнома маблағининг 50 фоизи тўлаб берадиган ваучер ажратилди. **Кўрғончилик Марғубахон Қирғизованин** даволаниши учун ордер берилди. Теракатилик **Ҳосиятхон Абдуллаеванин** ногиронлик аравачасига эҳтиёжи ҳам шу ернинг ўзида таъминланди. Жойида ечим топмаган мураккаб масалалар ҳозирда маҳаллий кенгаш депутатлари назоратида.

“Тўғриси, шартнома пулини тўлашда бироз қийинчилик бўлаётган эди. Бугунги сайёр қабулга умид билан келгандим. Мурожаатим шу ернинг ўзида ўрганилиб, контракт пулининг 50 фоизини тўлаб берадиган ваучер топширилганидан бошим кўкка этди. Бу нафақат моддий ёрдам, балки менга берилган катта ишончдир. Энди фақат аъло баҳоларга ўқиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшадиган мутахассис бўлишга ваъда бераман”, деди талаба **Ҳилола Сайфуллаева**.

Эътироф жоиз, Пахтаободдаги ушбу тадбирда туман ҳокимлиги, партия раҳбарияти ва мутасадди идораларнинг биргаликда иштирок этиши муаммоларни занжир усулида тезкор ҳал қилиш имконини берди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ва келажак тургани инобатга олинди. Ногиронлиги бор шахсларга техник воситалар берилиши ва ёшлар ўқишининг қўллаб-қувватланиши партиянинг ижтимоий масъулияти юқорилигидан далолатдир. Зеро, бундай сайёр қабуллар аҳолининг давлат органларига ва сиёсий партияларга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган энг қисқа йўлдир.

O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида “XXI asr” муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗОЕВА тайёрлади.



Бошланиши 1-саҳифада.

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДАСТУР

мақсади, мазмун-моҳияти, долзарблиги хусусида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов билан суҳбат

– Дастурнинг асосий мақсади ва устувор вазифалари нималарда кўринади?

– Инсон қадрини улуғлаш бугун Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча янгиланишлар негизда, аввало, инсон манфаати, аҳоли фаровонлиги ва муносиб турмуш шароитини таъминлаш мақсади турибди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан камбағаллик муаммоси ҳақида очик гапирилиб, уни қисқартиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани юртимизда инсон қадрини жой-жойига қўйишдек мураккаб ишга қай даражада юксак эътибор қаратилаётганининг амалий ифодасидир.

Партияимиз электорати бўлган тadbиркорлар ва фермерлар ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этишга интиломда. Бу интилиш халқимизга хос бағрикентлик, саховат ва ўзаро ёрдам каби миллий қадриятларимиздан озикланади.

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастурининг асосий мақсади – давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган камбағалликка қарши кураш жараёнига тadbиркорларни кенг жалб қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига бизнес орқали моддий ва маънавий кўмак бериш, шунингдек, бизнес ва жамият ўртасидаги ишонч ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

2026 йилнинг апрелидан декабригача амалга оширилиши режалаштирилган мазкур дастур доирасида 10 та йўналиш бўйича 300 дан ортиқ республика миқёсидаги ириқ тadbирлар ўтказилади. Уларда 50 мингдан зиёд тadbиркор иштирок этади ва 1,5 миллиондан ортиқ фуқаро турли кўринишдаги амалий ёрдамлар билан қамраб олинади. Бу жараён ҳозирги кунда қизғин давом этмоқда.

Албатта, бу дастурни амалга оширишда “маҳалла еттилик”, мобил штаблар, партианинг “Ёшлар” ва “Аёллар” қанотлари фаолиятга таянилмоқда. Шунингдек, онлайн ва офлайн сўровномалар орқали аҳолининг ҳақиқий кайфияти ва муаммолари мунтазам ўрганилмоқда.

– Ҳўш, энди дастурдан ўрин олган айрим лойиҳалар ва акцияларга тўхталиб ўтсангиз. Масалан, “Юракка йўл” акциясини олайлик...

– Эътибор беряспизми, ўз номи билан “Юракка йўл” деб аталган бу акция дастури мизнинг энг ириқ ва аҳамиятли ташаббусларидан бири ҳисобланади. Мазкур саъй-ҳаракат орқали мамлакатимиздаги 1 миллиондан ортиқ хонадонга бевосита кириб бориш, аҳолининг ижтимоий аҳолини ўрганиш ҳамда уларни қўйишга муаммоларга амалий ечим топиш режалаштирилган. Ойлик, апрель ойида амалга оширилган ишлар тахлили партияимиз ўз олдига қўйган вазифаларни изчил ва самарали амалга оширатганини кўрсатмоқда. Хусусан, бир ойнинг ўзига республика бўйича 105 мингдан ортиқ хонадонга кирилиб, фуқароларнинг яшаш шароити ва ижтимоий ҳолати ақдан ўрганилди. Мулоқотлар жараёнида аҳолини ўйлантираётган 21 мингга ақин турли мазмундаги муаммолар аниқланди. Уларнинг 3 577 таси коммунал хизматлар, 2 241 таси кадастр масалалари, 2 964 таси бандлик ва иш билан таъминлаш, 2 011 таси банк кредитлари олиш, 3 706 таси озиқ-овқат таъминоти ҳамда 6 396 таси бошқа ижтимоий-маиший масалаларга тўри келади. Энг муҳими, қайд этилган муаммоларнинг 15 203 таси маҳаллий кенгаш депутатлари ва мунтазам ташкилотлар иштирокида ўша ҳудуднинг ўзида ижобий ҳал этилди. Вақт ва қўшимча маблағ талаб этадиган 4 314 та масала эса назоратга олинди.

Шу давр мобайнида 7 445 нафар тadbиркор иштирокида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга умумий қиймати 17,9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 11 598 та хонадонга 10,6 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1 556 та хонадонга 2 миллиард сўмлик дори-дармон воситалари, 2 544 та хонадонга 941,3 миллион сўмлик кийим-кечак ҳамда 790 та хонадонга 1,4 миллиард сўмлик уй жиҳозлари тарқатилди. Бундан ташқари, “Бир оила – бир ҳомий” акцияси доирасида 710 та оила тadbиркорлар томонидан оталиққа олиниб, қарийб 3 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўрсатилган, бир қарашда бу рақамлар оддий бўлиб туюлар, лекин ҳар бир мурожат ортида инсон тақдири, оилаларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва ҳаётдан розилиги ётибди. Масалан, Андижон вилояти Избоскан туманида ўтказилган акция доирасида эҳтиёжманд фуқароларга ногиронлик аравачалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл туманида эса ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга тикув машиналари топширилди. Хусусан, Жўқорги Кенгес депутати Назира Мамбетшарипова Уллубег маҳалласида яшовчи Гузал Аллаберганованинг мурожатини ўрганиб, унга янги тикув машинаси олиб беришга кўмаклашди. Натихада бир аёлнинг бандлиги таъминланиб, бутун оила учун барқарор даромад манбаи яратилди. Айниқса, Бухоро вилояти Ромитан туманида яшовчи нафақадаги ўқитувчи Лукмон ота Бадалов бу дастур ҳақида партия сайтида билдирган самимий дил сўзлари ҳам фикримиз ибодтидир.

– Маълумки, бевосита аҳоли мурожатлари билан ишлаш тизими анча мураккаб ва уларга ўз вақтида



ечим топиш анча мушкул иш. Ана шундай вазиятларда дастур ижрочилари қандай йўл туттишяпти?

– Жуда тўғри таъкидладингиз, биз ҳам бу борада жуда кўп ўйладик ва ниҳоят бир қарорга келдик: яъни, одамларнинг мурожат қилишини кутиб ўтирмасдан, тўппа-тўғри уларнинг ҳузурига бевосита ўзимиз бориб, айрим камчилик ёки муаммоларни ўша ҳудудда ўрганиб, имкони борича тезроқ ечим топиш стратегиясини танладик. Шу мақсадда республика бўйлаб жуда қисқа муддатда 10 дан ортиқ мобил штаб фаолияти йўлга қўйилиб, 200 дан зиёд сайёр қабуллар ташкил этилди. Хусусан, апрель ойида Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа, Андижон вилоятининг Баликчи ва Пахтаобод, Бухоро вилоятининг Когон шаҳри ва Бухоро тумани, Жиззах вилоятининг Зомин, Қашқадарё вилоятининг Фўзор, Навоий вилоятининг Хатирчи, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Самарқанд вилоятининг Булунгур, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Фарғона вилоятининг Олтириқ, Хоразм вилоятининг Тупроққалъа ҳамда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманларида кенг қамровли сайёр қабуллар ўтказдик.

Келинг, яна рақамларга мурожат қилмиз: ҳозиргача ўтказилган қабулларда 4 200 нафардан ортиқ фуқаро иштирок этиб, қарийб 1 100 та муаммо ва мурожатлар ўрганилди. Қувонарлиси, уларнинг 650 тасига жойида ижобий ечим топилди. Шу билан бирга, 302 нафар фуқарога умумий қиймати 855 миллион сўмлик турли кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатилди. 125 нафар ёлғиз кекса ва боқувчисини йўқотган фуқаролар тadbиркорлар томонидан ҳомийликка олинди. 41 нафар фуқарога ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари ва санаторийларга йўлланмалар берилди, 78 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 182 та оилалар турли ускуналар ва уй-рўзгор жиҳозлари етказиб берилди.

Айрим ҳудудларда амалга оширилган ишлар бу рақамлар ортида қандай ҳаётий натижалар турганини аққол намоян этмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида партиямиз депутати Эркин Холматов раббарлигида ўтказилган учрашувда йўл ва газ таъминоти билан боғлиқ 10 дан ортиқ мурожат кўриб чиқилиб, фуқаролардан бирининг хусусий борага ташкил этиш ташаббуси кўллаб-қувватланди. Қашқадарё вилоятининг Фўзор туманида ташкил этилган сайёр қабулда эса эҳтиёжманд оилаларга қўйлар, қуёш панеллари, компьютер жамланмалари ҳамда моддий ёрдамлар ажратилди.

– Биламизки, O'zLiDeP ташкил этилганидан бери хотин-қизлар тadbиркорлигини кўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатини ҳимоя қилишда ҳам қатор истиқболли лойиҳалар ҳамда аънавий танловларни ҳаётга кенг татбиқ этиб келмоқда. Бугун биз атрофда шарҳлаётган умуммиллий дастурда ҳам ушбу жабҳага оид қандай янгилıklar бор?

– Хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш жамият барқарор тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис партиямиз томонидан ўн йилдан бери аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови доирасида эндиликда ушбу дастурга мувофиқ уз босқичли “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси бўйича ҳам амалий тadbирлар изчил давом этмоқда. Аёлларнинг тadbиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамият ва иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган ушбу муҳим лойиҳа доирасида бугунги кунгача республика миқёсида 4 005 та маҳаллага кириб борилиб, ўз меҳнати, ташаббуси ва тadbиркорлик қобилияти билан оила ҳақида маҳалласи раванқига муносиб ҳисса қўшаётган қарийб 11 400 нафар янги тadbиркор хотин-қизлар аниқланди. Улар орасида томорқачилик билан шуғулланаётганлар, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, ҳунарманд ва касаначилар, шунингдек, тикувчилик ҳамда

ҳам қатор лойиҳаларимиз ана шу муҳим жараёнга боғлиқ кечмоқда. Масалан, “Саломатлик сари” акцияси чекка ва олис ҳудудларда яшовчи аҳолини малакали тиббий хизматлар билан қамраб олиш, инсон саломатлигига бўлган эътиборни янада кучайтиришга қаратилган муҳим ижтимоий лойиҳаларимиздан бири ҳисобланади. Мазкур акция доирасида Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этилган 50 га яқин тadbирда 6 130 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Тadbирларга юқори малакали мутахассислар жалб қилиниб, эндокринология, кардиология, онкология, гинекология ва бошқа қатор йўналишлар бўйича бепул диагностика хизматлари кўрсатилди. Натихада 672 нафар фуқарога стационар, 1 182 нафар фуқарога эса амбулатор даволаниш учун йўлланмалар ва тиббий тавсиялар берилди. Шу билан бирга, эҳтиёжманд оилаларга 133 турдаги дори воситалари ҳамда 295 дона тиббий анжомлар бепул тарқатилди. Айниқса, оғир хасталикка чалинган беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг хонадонларига бориб тиббий хизмат кўрсатилгани инсон қадрини улуғлаш тамойилининг амалий ифодаси бўлди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний фаоллиқни ошириш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида “Соғлом ҳаёт марафони” акциялари ҳам кенг қамровда ташкил этилмоқда. Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида ўтказилган 20 та тadbирда 2 100 нафар хотин-қиз иштирок этди. Улар ўртасида стол тенниси, шахмат, шашка ва югуриш бўйича спорт мусобақалари ташкил қилиниб, тadbирлар саломатлиқни тарғиб қилувчи амалий майдонга айланди.

– Ҳар қандай мамлакатнинг, халқ ва миллатнинг эртанги истиқболлини ёш авлод белгилашига шубҳа йўқ. Шундай экан, сизлар ўртага ташлаган умуммиллий дастурда ёшларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш бўйича қандай йўналишлар ўрин олган?

– Ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг ҳал қилувчи кучи, мамлакатимиз тараққиёти ва эртанги кунимизнинг ишончли таянчи ҳисобланади. Шу боис партиямиз томонидан ёшларнинг таълим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, инновацион ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқариши, шунингдек, тadbиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, яқинда “Халқ билан бирга” дастури доирасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида партия фракцияси аъзолари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирокида ташкил этилган очик мулоқот давомида стартап лойиҳаларни молиялаштириш, ёшларни замонавий ва талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш юзасидан қатор таклиф ва ташаббуслар билдирилди.

Бугунги кунда партиямиз томонидан креатив тadbиркор ёшларни кўллаб-қувватлаш, стартап дастурларини ривожлантириш, ақборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳасида иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, шунингдек, ёш фермерлар тажриба мактабларини ташкил этишга қаратилган қатор амалий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, O'zLiDeP стипендиясининг жорий этилгани ёшларни кўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур ташаббус доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли ва фаол талабаларга стипендиялар ташаббуслари равишда топширилди. Келгусида ушбу тизимни босқичма-босқич республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида жорий этиш режалаштирилган.

– Дастурни амалга ошириш жараёнида тadbиркорларни билдириш, улар билан мулоқотлар уюштириш, таклифларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани ушбу қаторда вакилларни қувонтираётганига кўп бора гувоҳ бўлдик, тўғрими?

– Албатта, “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури нафақат аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кўллаб-қувватлаш, балки тadbиркорларни ягона мақсад – мамлакат тараққиёти ва инсон қадрини улуғлаш фоясида атрофда бирлаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шу мақсадда партиямиз ташаббуси билан яқинда ташкил этилган “Бизнес клуб” лойиҳаси тadbиркорлар учун очик мулоқот ва амалий ҳамкорлик майдонига айланиб, уларнинг муаммо ва таклифларини бевосита эшитиш, ишбилармонлик муҳитини янада яқинлашга қаратилган ташаббусларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 2,6 минг нафар тadbиркор иштирок этиб, фаолиятни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштириш, соҳада учраётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда янги имкониятлар яратиш юзасидан 1,2 мингга яқин таклиф ва амалий ташаббуслар билдирди. Бу таклифлар тadbиркорларнинг реал эҳтиёжлари ва соҳадаги долзарб масалаларни чуқур ўрганиш асосида шаклланиши билан аҳамиятлидир.

“Бизнес клуб” доирасида тadbиркорлар билан очик маслаҳатлашувлар, соҳани такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш,

мутасадди давлат органлари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш ва самарали ҳамкорлик муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тadbиркорларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, замонавий бизнес юритиш механизмларини ўргатиш, инновацион ёндашувлар ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича турли ўқувлар, амалий семинарлар ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Энг муҳими, мазкур лойиҳа тadbиркорлар, давлат идоралари ва партия ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бизнес вакилларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг иқтисодий ислохотлардаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида Янги Ўзбекистонда очик, эркин ва рақобатбардор иқтисодий муҳитни шакллантириш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади.

– Дастурни кўздан кечириб, кекса авлод вакилларини кўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилганидан мамнун бўлдик...

– “Кексаларга меҳр” акцияси умуммиллий дастурнинг энг эзгу ва маънавий аҳамияти юксак йўналишларидан бири сифатида жамиятимизда меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва катта авлодга ҳурмат каби юксак қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ўйлайман. Мазкур акция доирасида ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиш ва турмуш шароитини яқинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Партияимизнинг республика бўйлаб фаолият юритаётган 16 824 та бошланғич ташкилотли томонидан амалга оширилган хайрли ишлар натижасида 43 мингдан ортиқ хонадон қириқди. Бу натижада кекса авлод вакилларининг саломатлиги, яшаш шароити ва ижтимоий эҳтиёжлари ўрганилиб, уларга амалий ва маънавий кўмаклар кўрсатилди. Хусусан, ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийларига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шу билан бирга, уларнинг хонадонларида кичик таъмирлаш, ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилиб, кундалик ҳаётда учраётган айрим маиший муаммоларни ҳал этишга кўмаклашилди.

Айниқса, ўтган ҳафта мамлакатимиз миқёсида умумхалқ байрами сифатида нишонланган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тadbирлар кекса авлодга бўлган юксак эҳтиром ва эътиборнинг амалий намунасига айланди. Жумладан, Бухоро вилоятида 103 ёшли уруш фахрийси Аҳмад Мўҳсинов ҳолидан хабар олинди, унинг мамлакат тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хизматлари муносиб эътиборга эришти. Наманган вилоятида эса 100 ёшли Бокимат бобо ҳамда 96 ёшли Фотимахон бувига алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг дуолари ва ҳаётий тажрибаларини ёш авлод учун ибрат мактаби сифатида қадрлашга катта аҳамият берилди.

Энг муҳими, бу каби эзгу ташаббуслар нуронийларимизнинг қалбида эътибор ва ғамхўрлик туғғусини мустаҳкамлаш, уларга нафақат моддий ёрдам, балки катта маънавий дадла ва эртанги кунга бўлган ишончи ҳам бағишлamoқда. Зеро, кекса авлодни эъзозлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасини қадрлаш ва муносиб шароит яратиш Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш тамойилининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади.

– Ақтам Аҳмадович, “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури, таъкидлаш керакки, бу бевосита O'zLiDePнинг ўзига хос йўл харитасига ўхшайди. Чунки бу ҳужжатда акс этган долзарб вазифалар ва йўналишлар, қалаверса, алақачон бошланиб кетган амалий саъй-ҳаракатлар натижаси шуни кўрсатаяптики, катта кўламдаги халқлиқ ишлар мавсумийлик касб этмайди, аксинча, узвий равишда изчил давом этаверади, нима дейсиз?

– Дастур муқаддимасида муҳтарам Президентимизнинг “Устувор мақсадиимиз – мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишдир”, деган пурмаъно сўзлари бежиз келтирилмаган. Шу маънода, таъкидлашни истардим, бу дастур партия томонидан оддий сиёсий лойиҳа ёки ташаббус сифатида кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмади, балки улкан масъулиятни зиммамизга оlingан ҳолда амалий ҳаракатлар билангина бу катта майдонда ўз нуфузимиз, ўрнимизни мустаҳкамлаш йўлидаги жиддий қадамимиз бўлмоғини тўла англаб етдик. Қалаверса, мамлакатимиз тараққиётининг локомотивлари ҳисобланган электротизим вакиллари – тadbиркор ва ишбилармонлар қатлами ҳамда халқ ва жамият манфаати йўлида фаолият юритаётган қатор фуқаролик институтларининг инсон қадрини улуғлаш йўлидаги амалий бирлашуви десам, янглишмайман.

Биз одамларни ўйлантираётган катта-кичик муаммоларни кабинетларда эмас, балки маҳалла-қўйда, юзма-юз мулоқотлар, учрашувлар орқали уларга тезкор ва асосли равишда ечим топишга ҳаракат қилаверамиз.

Норқобил ЖАЛИЛОВ суҳбатчи.

Иқтисодий ислохотлар: имкониятми ёки тўсиқ?

ИМТИЁЗЛАР СИЁСАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БОЗОР МУВОЗАНАТИ

Мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда муносиб иштирокини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу, ўз навбатида, ички бозорни мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 26 июнда қабул қилинган 1071-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган Солиқ кодексининг 483-моддасига мувофиқ, бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида сотиб олинган товарлар (ишлар ва хизматлар), шунингдек, уларни олиб кириш 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод этилган. Ушбу имтиёз инфра-тузилма йўналишидаги – электр, газ ва иссиқлик таъминоти, сув ҳамда канализация, йўл-транспорт, алоқа ва телекоммуникация, агрологистика, санитария шунингдек, чиқиндиларни бошқариш каби муҳим соҳаларни қамраб олади. Энг муҳими, мазкур энгилликлар лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланган.

Бироқ амалиёт шундан далolat бермоқдаки, давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар учун хорижий иштирокчилар билан тенг рақобат муҳити тўлиқ шакллантирилмаган. Натижада, маҳаллий корхоналарнинг имкониятлари тўлиқ ишга солинмапти, уларнинг бозордаги улуши чекланиб қолмоқда.

Муаммонинг асосий жиҳатларидан бири шундаки, мазкур лойиҳалар доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб бериладиган товар ва хизматларни реализация қилиш айланмалари амалда ҚҚСдан озод этилмапти. Бу эса хорижий етказиб берувчиларга нисбатан нотенг шароитларни келтириб чиқармоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизда кўплаб маҳсулотлар маҳаллийлаштирилган бўлиб, улар сифат ва нарх жиҳатидан рақобатлаша олади.

Шу билан бирга, амалдаги имтиёزلардан фойдаланиш механизми ҳам мураккаб ва кўп босқичли бўлиб, унинг амалий ижроси қатор бюрократик тўсиқларга дуч келмоқда. Натижада, қонунчиликда белгиланган энгилликлар амалда тўлиқ ишланмай, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, 2024 йил 5 сентябрь куни бўлиб ўтган йўналишда давлат раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланиб, халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҚҚСни қайтариб бериш механизми жорий этиш бўйича аниқ топшириқлар берилган эди. Жумладан, масъул идораларга икки ҳафта мuddатда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қайта ишлаб чиқиш, тақдим этиш вазифаси юклатилган.

Бироқ бугунги кунда мазкур топшириқ ижроси қай даражада таъминлангани, қандай амалий натижаларга эришилгани очиқ-ойдин эмас. Жамоатчилик ва тадбиркорлар ўртасида бу борада саволлар кўпаймоқда.

Хусусан, қуйидаги масалалар долзарб бўлиб қолмоқда:

– нега Солиқ кодексига назарда тутилган имтиёزلарга қарамадан, маҳаллий ва хорижий иштирокчилар ўртасида тенг рақобат муҳити ҳанузгача тўлиқ таъминланмаган?

– давлат раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижроси юзасидан қандай амалий ишлар бажарилди?

– маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ҚҚС билан боғлиқ муаммолар қачон бартараф этилади ва бу борада аниқ механизмлар қачон ишга тушади?

Албатта, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Шу боис, бу борадаги муаммоларни ортиқча чўзмасдан, тезкор ва самарали ҳал этиш давр талаби ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, масъул ташкилотлардан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг натижадорлиги бўйича аниқ ва асосли маълумотлар бериш, шунингдек,



мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирларни кучайтириш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

“ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА” ИМТИЁЗЛАРИДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНЯПТИ?

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, айниқса, қуёш ва шамол қувватидан самарали фойдаланиш борасида сўнгги йилларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада энергия тежайдиган ускуналар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятида учраётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бежиз эмас.

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қайта тикланувчи қувват манбалари ҳисобига қўшимча энергия ресурсларини яратиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида юртимизда замонавий фотоэлектр панеллари, инверторлар ва бошқа зарур ускуналарни ишлаб чиқарувчи қатор маҳаллий корхоналар ташкил этилди. Ушбу корхоналар нафақат ички бозорни таъминлаш, балки экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим ўрин тутиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, хусусий сектор ва аҳолини мазкур жараёнга кенг жалб қилиш мақсадида қатор имтиёз ва энгилликлар жорий этилди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахслар учун мол-мулк ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзлар берилди. Аҳоли томонидан кичик қувватли фотоэлектр станцияларда ишлаб чиқарилган электр қувватини сотиш давлат томонидан субсидияланмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахсларга энергия аудити ўтказиш, ФЭС сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисми қоплаб берилиши ҳам назарда тутилган.

Айниқса, Президентимиз томонидан 2022 йил 9 сентябрда имзоланган “Энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 220-сонли фармон бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унга кўра, аҳолига қуёш ва шамол электр станциялари қурилмалари ҳамда қуёш сув иситиш ускуналарини 3 йилгача фойдасиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди. Шунингдек, қурилмаларни харид қилиб ўрнатган истеъмолчиларга дав-

лат томонидан компенсациялар ажратиш механизми ҳам йўлга қўйилди.

Бир қарашда, барча шароитлар яратилгандек гўё. Аммо амалиётга назар ташласак, маълум муаммолар кўзга ташланмоқда. Хусусан, фармондаги имтиёзлар кенг қамровли талқин қилиниши натижасида хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан асосан импорт, айниқса, Хитойда ишлаб чиқарилган фотоэлектр панеллар ва инверторлардан фойдаланган ҳолда “тайёр ҳолда” ФЭС ўрнатиш хизматлари кенг тарқалди.

Натижада давлат томонидан ажратилаётган маблағлар амалда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга эмас, балки импорт ускуналарни имтиёзли сотиб олишга хизмат қилиб қолмоқда. Бу эса Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган маҳаллий корхоналар фаолиятига маълум даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Аслида, мазкур имтиёزلарни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш эмасмиди? Агар шундай бўлса, нега бугун давлат маблағлари кўпроқ импорт маҳсулотларга йўналтирилмоқда?

Шу муносабат билан қатор долзарб саволлар туғилади:

Биринчидан, нима сабабдан Жамғарма маблағлари маҳаллий ишлаб чиқарилган ускуналарни қўллаб-қувватлашга эмас, балки импорт ускуналарни харид қилишга йўналтирилмоқда? Имтиёزلардан кўзланган асл мақсад қай даражада амалга осяпти?

Иккинчидан, қайта тикланувчи энергия соҳасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, улар учун алоҳида имтиёзлар жорий этиш борасида қандай амалий чоралар қўрилди?

Учинчидан, амалдаги компенсация тартибини такомиллаштириш, маҳаллий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга тушириш, импорт ўринини босиш ва замонавий технологияларни ўзлаштиришга рағбатни кучайтириш учун қандай янги механизмлар жорий этилади?

Мутахассислар фикрича, мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиш учун ушбу фармонга тегишли ўзгартирилари киритиб, компенсация ва имтиёзларни фақат маҳаллий ишлаб чиқарилган ускуналар қўлланилган ҳолларда бериш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, ўз навбатида, ички ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, масъул ташкилотлардан ушбу масала юзасидан аниқ ва асосланган таҳрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 414-моддасига мувофиқ, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларига қатор солиқ имтиёзлари жорий этилган. Унга кўра, умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қурилмалар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб уч йил мuddатга солиқдан озод қилинади.

Зеро, қайта тикланувчи энергия – бу фақатгина бугуннинг эмас, балки келажак авлодлар фаровонлигининг ҳур кафолатидир. Ушбу йўналишдаги ҳар бир қарор ва амалий қадам эса пухта ўйланган, адолатли ва миллий манфаатларга хизмат қилувчи бўлиши шарт.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИГА ИМТИЁЗЛАР: ТИЗИМ БОР, САМАРА-ЧИ?

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия тежайдиган замонавий ускуналарни кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳиссасини ошириш орқали электр энергияси сарфини сезиларли даражада камайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу борада сўнгги йилларда қатор ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Масалан, 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 414-моддасига мувофиқ, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларига қатор солиқ имтиёзлари жорий этилган. Унга кўра, умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қурилмалар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб уч йил мuddатга солиқдан озод қилинади.

Агар қуёш панеллари электр энергиясини тўплаш тизими билан жиҳозланган бўлиб, ушбу тизим қуввати панеллар қувватининг камидан 25 фоизини ташкил этса, бундай ҳолда имтиёз мuddати ўн йилгача узайтирилади. Қуввати 100 кВт ва ундан юқори бўлган қурилмалар эса фойдаланишга топширилган пайдан бошлаб ўн йил давомида солиқдан озод этилади.

Шу ўринда муҳим бир жиҳат бор: қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари амалда кўчмас мулк ҳисобланмайди. Демак, улар аслида мулк солиғи объектига кирмайди. Шундай экан, солиқ объекти бўлмаган ускуналарга нисбатан солиқ имтиёзлари қўлланилаётгани муайян тушунмовчиликларни келтириб чиқармайдими?

Алоҳида таъкидлаш жоизки, солиқ имтиёзлари тизими амалда аниқ, мантиқий ва энг муҳими, тўғридан-тўғри энергия ишлаб чиқарувчининг ўрнатилган қуввати ҳамда ускунанинг технологик имкониятларига боғлиқ ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, айнан шундай ёндашувгина давлат томонидан берилётган имтиёзларнинг адолатли тақсимланиши, инвестицияларнинг оқилона қайтарилиши ҳамда қайта тикланувчи энергия соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Айнан шу нуқтага назардан келиб чиқиб, амалдаги тартиблар аниқлаштирилиб, қуйидаги мезонлар асосида тизимли ёндашув шакллантирилиши тақлиф этилади: яъни номинал қуввати 100 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган энергия ишлаб чиқарувчилар учун солиқ имтиёзлари улар фойдаланишга топширилган пайдан бошлаб ўн йил мuddатга татбиқ этилиши, номинал қуввати 100 кВтгача бўлган қурилмалар учун эса ушбу мuddат уч йил этиб белгиланиши лозим. Шунингдек, қуввати 100 кВтгача бўлган, лекин электр энергиясини тўплаш тизими билан жиҳозланган – яъни энергия сақлаш имкониятига эга қуёш панеллари ўрнатилган ҳолларда, бундай лойиҳаларнинг технологик самарадорлиги ва энергетик мустақилликка қўшган ҳиссаси инобатга олиниб, солиқ имтиёзлари ўн йиллик мuddат билан қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, ер муносабатларида ҳам уй-ғуналик ва узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки қайта тикланувчи энергия объектилари фаолият юритадиган ер участкаларига нисбатан белгиланадиган солиқ имтиёзлари ҳам айнан ушбу энергетик қувват мезонлари билан уйғун ҳолда белгиланиши лозим. Шу маънода, Солиқ кодексининг 428-моддасига мувофиқ, ер солиғидан озод этиладиган ер участкалари доирасига қайта тикланувчи энергия манбалари билан банд бўлган майдонлар киритилиб, улар қувватига қараб дифференциация қилинган: 100 кВтгача бўлган қурилмалар жойлашган ер участкалари учун уч йиллик, энергия тўплаш тизимига эга қуёш панеллари жойлашган майдонлар учун ўн йиллик, 100 кВт ва ундан юқори қувватли қурилмалар ўрнатилган ерлар учун эса ўн йиллик солиқ имтиёзи назарда тутилган.

Шу тариқа, солиқ сиёсатидаги ушбу ёндашувлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тизим сифатида қаралиши, уларнинг ҳар бири энергетик лойиҳаларнинг ҳур, қуввати ва технологик даражасини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ана шундагина имтиёзлар тизими ўзининг асл моҳиятига – яъни қайта тикланувчи энергияни ривожлантиришни рағбатлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур масалалар долзарблигини инобатга олган ҳолда, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, тегишли мутасадди ташкилотлардан ушбу масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва юзга келаятган муаммолар бўйича асосли таҳлилни бериш сўралади.

Зеро, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш – бу фақат иқтисодий эмас, балки экологик барқарорликни таъминлаш, келажак авлодлар учун соғлом муҳит яратиш масаласи ҳамдир. Шунинг учун бу борадаги ҳар қандай қарор пухта ўйланган, мантиқий ва рағбатлантирувчи бўлиши шарт.

Саҳифани Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан тақдим этилган маълумот ва тақлифлар асосида “XXI asr” муҳбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.



“ШАТАККА ОЛИШ” МЕХАНИЗМИ

ЁШ КОРХОНАЛАРНИ ОЁҚҚА ТУРҒИЗМОҚДА

Хозирги глобал иқтисодий шароитда ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ўсиши мамлакат тараққиёти ва унинг халқаро рақобатда муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Тез ўзгараётган бозор муҳити эса корхоналардан фақат мавжуд имкониятларга суюниб қолмасдан, илғор технологияларни ўзлаштириш, инновацион ечимларни кенг жорий қилиш ва бошқарувни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан амалга татбиқ этилган “шатакка олиш” тизими ҳудуддаги қатор ишлаб чиқарувчилар фаолиятига янги суръат бағишлади. Бу ёндашув қувватларни кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва ташқи бозорга қарамликни камайтиришда самарали ечим бўлмоқда.

ҲАМКОРЛИККА МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Беш йил аввал комбинат таркибидagi Навоий машинасозлик заводидa ўтказилган санoат ярмаркаси бугунги ҳамкорлик алоқалари учун пойдевор вазифасини ўтаган эди. Унда йирик корхона ўз имкониятларини намoён этиб, ихтиролар, рационализаторлик ечимлари ва илғор ғоялар асосида яратилган ишланмаларни тақдим этди. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокида импорт ўринини босувчи турларни ўзлаштириш бўйича аниқ режалар илгари сурилди.

Кўрғазмада нафақат амалда ишлаб чиқарилаётган турлар, балки келгусида йўлга қўйилиши режалаштирилган ва ҳамкорларга тавсия этилган намуналар ҳам намoйиш қилинди. Натижада технологик алоқалар босқичма-босқич мустаҳкамланиб, “шатакка олиш” тизими орқали янада кенгайди.

Мазкур механизм доирасида бугунга қадар шерик корхоналардан 200 дан ортиқ импорт ўринини босувчи турлар харид қилинди. Айниқса, сўнгги беш йил мобайнида ўзлаштирилган янги йўналишлар ҳисобидан комбинат эҳтиёжлари учун қарийб 3 триллион сўмлик буюртмалар бажарилди.

Комбинатнинг ишончли шериклари – “Gidro stanko servis”, “Navpromlitmash”, “Chilon Lubricants”, “Navoiyskiy Elektrodniy Zavod”, “Navoiyelektromont”, “Evro Prom Lider” ҳамда “Carbon-Polymer” каби корхоналар бугун турли соҳалар учун зарур бўлган ускуналар, эҳтиёт қисмлар, филтрлар, техник мойлар, электродлар ва полимер буюмлар етказиб бермоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, 2025 йилда “шатакка олиш” корхоналар томонидан 783 миллиард сўмлик буюртмалар бажарилган бўлиб, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан қарийб уч бараварга ошган. Энг муҳими, мазкур корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлиги изчил юксалмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат – “шатак пирамидаси” деб аталувчи ноёб тизимнинг шаклланаётганидир. Яъни, илгари қўллаб-қувватланган корхоналар энди, ўз навбатида, кичик ва янги ташкил этилган субъектларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Масалан, бугун йирик ишлаб чиқарувчилар қаторига кирган “Gidro stanko servis” ва “Navpromlitmash” бир қатор ёш корхоналарни ортидан эргаштирмоқда.

Қайд этиш жоизки, комбинат импортни оптимallasштиришда фақат ички имкониятлар билан чекланиб қолмасдан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан самара-

кўрсаткичлар мос равишда 2 000 та ва 2,5 триллион сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда. Бундай юксак марралар, табиийки, маҳаллий тадбиркорлар фаолиги билан узвий боғлиқ.

Навоий шаҳрида самарали фаолият юритаётган “Navpromlitmash” масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишончли шериклардан бири ҳисобланади. Корхонада 2025 йилнинг ўзида 220 дан ортиқ янги йўналиш ўзлаштирилди. “Шатакка олиш” механизми доирасида комбинат билан ҳамкорлик натижасида ўтган йили 400 миллиард

жада кабель ўтказгичлар учун йилига 150 минг дона алюмин ва мис пойнақлар, шунингдек, санoат ва автомобиллар учун 300 минг дона филтрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Энг муҳими, кўшимча иш ўринлари яратилди ва йилига 249 миллиард сўмлик импорт ўринини босувчи маҳсулот етказиб бериш имконияти пайдо бўлди. 2025 йилда қарийб 1 миллион АҚШ долларлик экспорт амалга оширилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 5 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Айни пайтда корхонада 380 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Барча жараёнлар рақамлаштирилган. Ёш ва шижоатли мутахассислардан иборат жамоада ҳар бир ташаббус қўллаб-қувватланади. Зеро, ҳар қандай янгилик – келажакка қўйилган мустаҳкам қадамдир.

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда корхона фаолияти фақат ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмай, илм-фан билан ҳам чамбарчас боғланмоқда. Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ҳамда қатор техникумлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик бунинг яққол намунасидир. Дуал таълим тизими асосида талабалар бевосита амалиётда иштирок этиб, тажриба орттирмоқда ва келгусида иш ўрнига эга бўлмоқда.

Корхона хузуридаги ўқув марказида ходимлар учун мунтазам курслар ташкил этилган. Япониянинг “Mitsubishi” компанияси билан ҳамкорликда замонавий лаборатория жиҳозлари жорий этилмоқда. Бу эса сифат ва ассортиментни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

– Замон талабига жавоб берадиган билимли кадрлар ҳар бир соҳа учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, – дейди тижорий ишлар бўйича директор Шерзод Аҳмадҷонов. – Шу боис келгусида қувватимизни икки баробарга ошириш, жамоамиз сонини эса минг нафардан ортиққа етказишни мақсад қилганмиз.

Таълим ва амалиёт уйғунлиги маҳсулот таннархини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Қисқаси, “шатакка олиш” тизими маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий мустаҳкамлашда самарали воситага айланмоқда. Бу жараёнда йирик корхоналарнинг кичик бизнес субъектларига кўмаги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, “Navpromlitmash” томонидан Навоий шаҳри ва Набҳаҳор туманидаги “Alibaba – 2020”, “Xitingradiator”, “Tio Prom Kompozit”, “Aziyametprommash” каби корхоналар қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса янги конструкторлик ечимлари яратиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва импорт ўринини босувчи маҳсулотлар улушини оширишга сабаб бўлмоқда.

Шу тариқа, “Navpromlitmash” нафақат ишончли ҳамкор, балки миллий санoат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган илғор корхоналардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист



ли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали юқори натижаларга эришмоқда. Бу эса миллий иқтисодийни мустаҳкамлаш, санoат салоҳиятини ошириш ва юртимизнинг иқтисодий мустақиллигини янада кучайтиришда асқатмоқда.

“NAVPROMLITMASH” – ИШОНЧЛИ ШЕРИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги “2030 йилгача “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакат санoат салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда комбинатнинг келгуси беш йилликдаги аниқ вазифалари белгилаб берилган.

Хусусан, 2026 йилда 1600 турдан зиёд, умумий қиймати 1,6 триллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. 2030 йилга бориб эса бу

сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлангани эса бу тизим самарадорлигини яққол кўрсатади.

Корхона директори, “Дўстлик” ордени соҳиби Иброҳим Файзиев кўп йиллик тажрибага эга, ташаббускор тадбиркорлардан. У раҳбарлик қилаётган, 2007 йилда ташкил этилган мазкур жамоа бугун замонавий санoат мажмуасига айланган. Бу ерда ностандарт ускуналар, турли бутловчи қисмлар, мис ва латун қувурлар, чўян қуймалар тайёрланади. Шунингдек, “Universal Filter” бренди остида санoат ва автомобиллар учун ҳаво ҳамда мой филтрлари тақлиф этилиб, ички бозорда импорт ўринини қисқартирмоқда.

Мазкур корхона маҳсулотлари нафақат “Навоий кон-металлургия комбинати”, балки “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Навоийуран”, “Навоийазот”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” каби йирик корхоналарга ҳам етказиб берилаётгани унинг нуфузини янада оширмоқда.

2022–2026 йилларга мўлжалланган модернизация ва кенгайтириш дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар эса фаолиятда янги босқични бошлаб берди. Нати-

СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР



Кадрлар салоҳиятли бўлса...

0‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг анъанавий режасига биноан шу тизимда фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий ва профессионал малакасини оширишга қаратилган кенг қамровли ўқув курслари тизимли равишда ўтказилмоқда.

Дарс жараёнларида асосий эътибор партиявий фаолиятни рақамлаштириш, электротар билан ишлашнинг инновацион усуллари, сиёсий таълим ва замонавий менежмент кўникмаларига қаратилмоқда. Амалий машғулотлар давомида ташкилий масалалар ва ҳудудий муаммоларни ҳал этиш бўйича ўзаро тажрибалар ҳам алмашилмоқда.

Табиийки, сиёсий кучнинг кадрлар сиёсати фақат раҳбар бўғин билан чекланиб қолмайди. Айни кунларда ҳудудий кенгашларнинг депутатлар, партия гуруҳлари

ва сиёсий таълим билан ишлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимлари мудирлари учун ҳам махсус ўқувлар давом этмоқда.

0‘zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимовнинг изоҳ беришича, бундай тизимли ёндашув партия фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, кучли кадрлар захирасини шакллантириш ва пировард натижада халқимиз фаровонлиги йўлидаги сиёсий мақсадларга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу ўқувларда парламентдаги партия фракцияси аъзолари, эксперт ва мутахассислар фаол иштирок этмоқда. Навбатдаги ўқув машғулотлари партиянинг жамоатчилик билан алоқалар, ахборот сиёсати ва мафкуравий ишлар, шунингдек, ташкилий-кадрлар ва БПТлар билан ишлаш бўлимлари мудирлари ҳамда молия-иқтисодий йўналиши вакиллари учун ташкил этилади.

Мухбиримиз

0‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши

“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ
ҳамда “Ўзметкомбинат” АЖ
жамоаларини май ойининг учинчи якшанбасида
нишонланадиган Ўзбекистон кончилик ва металлургия
санoати ходимлари кўни муносабати билан самимий
табриклайди.
Азиз кончилар ва металлурлар!

Сизларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатингиз мамлакат
иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутаети.
Ер ости бойликларини ўзлаштириш ва уларни халқ манфаати
йўлида қайта ишлашдаги улкан ҳиссангиз юксак эътирофга
сазовор. Ушбу касб байрами муносабати билан барчангизга
мустаҳкам соғлик, оилавий бахт ва фаолиятингизда катта
муваффақиятлар тилаймиз. Юртимиз равнақи йўлидаги эзгу
меҳнатингиз бардавом бўлсин!





ИФТИХОР

АХШР
LITTIMOY SIYOSIY GAZETASI

РИЁСИЗ СЎЗЛАР

Бошланиши 1-саҳифада.

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга таширф буюриб, “Сурхондарё халқи, энди овоздан!” деб элга мурожаат этган эди.
Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.
Мен фақат яхши билганим Сурхондарё ҳақида ёзганман. Ўзбекистонда эса ун тўртта маъмурий-ҳудудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонвор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

2

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки “Яхши бўлди-ей!” деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганган! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникиб бораёмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг постни ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиклаб текширилган, агар Сурхондарё ҳисобига бўлмасангиз, ўтиб кўрин-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча мамлаша эди. Паспорти унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишини ягона йўли — имкони-ни топиб, “посбон”ларга пара бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тўзоқ эди...
Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мурраккаб эди. Вилоятга киришда — Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўгингиз тинтилар, юкларингиз эса лентга солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечириларди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текшириларди... Тинтув. Хуллас, пара бермасангиз, қўтулиб бўлмас. Термизга ва Сариевнинг киравериб яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди. Чангу фўборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади. Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четида манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунча ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан чиқиб, машинада мана шундай гўзал — бир қарич ҳам узилмаган манзарани ора-лаб, аэропортга бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашқили. Менга ўқитувчилардан бири “Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланган, бир хонадонда икки-уч оила тикилиб яшаётган кутулган”, деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса ўсаяпти. Баланд-баланд бинолар қад кўтараяпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб, тикилмай кенгайиши учун кўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди — шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.
Ўқувчида “Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан” деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяямиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлақлар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биланман. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бироз юргач, англадим: бу — Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганам Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидаги шаҳар — мўъжиза қачон, қандай барло бўлди? Шунча тезми? Англадим — бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати тўғрисида бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, биринги, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетаяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

3

Мен мажлисларда кам қатнашман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, кўпмали ва аниқ тайёрларлик қўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди) ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис ахли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиклаб борилди. Юзлаб, минглаб...
Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор бир ишни бажариш оруз сифатида ай-

тилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойдан тортиб Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг өчимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишга, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемур полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернет ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

— Сенинг интернетининг мактаби йўғ-а?
— Йўқ, — деди полвон.
— Болалар қаерга ўқишга боради?
— Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.
Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

— Пулинг бор-а?
— Ҳа, — деб ўрнидан кўзгалди “керакли одам”.
— Шу полвоннинг интернетига мактаб қуриб бероласанми?

“Керакли одам” жон деб рози бўлди.
— Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! — деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да “Воя”, деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг таъшиви турибди! Мамлакатда эҳ-ҳе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемур полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирса!..

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган мухташам иморат ривож учун қўйилган ҳар бир ғишт — байрам. Бугун эса қанчадан қанча ғиштар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёрилди.

Аммо бир қўтуғ хабарни айтмасам бўлмайди. Йиғирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд — Денов трассага қўйиладди. Биз бўлажак трассага тушидик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Ғизиллаб кетаямиз. Фақат икки жойда гавараси қўрилди, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда “Бир-икки ойда битиб қолар”, деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин “Бойсун баҳори” фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинами тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб қолди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнгида шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажакини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосини Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун қуйиб-ёндагидан инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очадди!

Мен яқин келажакда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга кўшилмайди деган бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялли ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб прогноз берапти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялли ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз тегмасин!

Уэр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўяймиз! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин ҳозиргина ўқиб қолдим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!

4

Дунёнинг улғу донишмандлари инсониятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охири-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не ғавғоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бири килини мана бундай сатрларни битган:

*Олам аҳли, бирини гизимки, иш эмас душманлиғ,
Ёр улун бир-бирингизга, эрур ёрлиғ иш.*

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: “Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади”.

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам “душманлиғ иш эмас” эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жон-

дош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб қузаган. У бошқарган Вазиляр Маҳкамасининг вазифаси ҳўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилар билан муносабатимиз ёмонлиги тўғрисида ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалварлардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиливини ўз қўлига олгач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилар билан қардошлик-қариндошлик ришталарини тиклаб бошлади. Бу иш қанча оғир-енгли кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қўтуғ — қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фўққораси сифатида биз ҳам иззат-ҳўрмат кўраёмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Теримиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орузга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошоғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани кўни кеча ҳикоя қилиб беришди. Сариев-ёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги сингисини вафот этгандан жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уришиб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сариевнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сариевлик дўстлар “Душанбени бир айланиб келайлик”, деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечкурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа худудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хўррамлиги нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртига таширф буюргандан, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: “Булар, — деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, — сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!.. Мана хўрмат! Мана қардошлик!”

Президентимизнинг бу таширфидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи ҳам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда тўғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Тўрусон вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлиқ билдириш эди. Ёз кунлари. Эгни-микизда ёзлик энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши — оппоқ қўйлақ, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кўтиб олди. Эртаси кўни кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарздаги мажлисларнинг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғай-нилар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, мили-салар тўхтаста, қандай муомала қилиш керак, деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда, машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди: — Ҳар қандай тезликда ҳайдаверинглари! Милисалар тўхтатмайдилар! Президентимиз “Ўзбеклар менинг меҳмоним — уларга ҳеч ким тегинмасин”, деб юқори минбарда айтган!

Қалай?
Бу гаплар ўзбек халқига ҳўрматнинг энг чўққиси эди. Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳўрматнинг қайтиши, янада юқори даражага қўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқуярлиги, самимий — дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Уш шаҳрига бир гуруҳ иждоқорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Уш сафариди бўлганман. Чегара машашаларини ўйлаб, кўнглим хижил тортиб бораётгандим. Аммо безоватлика ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фўққорлигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келаяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳўкуматининг бош котибни, нуфўзли ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбари, Уш шаҳри ҳўқими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабаб-чиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқда ҳис қилиб турдик.

Каминга Қозғистон сафариди бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофот билан тақдирланган. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмури Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшниларимиз билан му-

носабатлар ҳақида ёздим. Ҳар кўни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзийлик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганимиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орузимиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприкдан ўтиб, ўзбек тўпроғига қадам қўйилган жойда “Ўзбекистон — Афғонистон чегара олди савдо худуди” бунёд этилган. Қатор-қатор дўқонлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотик авжида. Худуд тўлиб-тошиб кетаяпти. Президентимиз бу худудга яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтгани-айтган...
Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямой меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳўрмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий ар-бобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз — Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

5

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси “Мен — ўзбекман!” деганларни қувонтиради. Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келаяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров “Барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади”, деса, камини “Кўйсанг-чи”, деб қўлишни аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабаларимизда пахта терганман. Уртача йилги центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноклари бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилди! Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ, “Порлок” навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас! Бир жумла билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа.
Олмаликда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга қўзилган экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга ҳа-то ўзишнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга чакирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди ғурурландиган мўъжиза — Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган қошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган — илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Мушҳафи, қадимий қўлёзмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши... Шавкат Миромонович марказининг қурилиши ҳақида қизик тушунтириш берди: “Бу марказнинг қурилишида шовмадик. Саккиз йилда охирига етказдик...”

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асарни қурилатган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозиклигини англаган!

Хуллас, асрларга татиғулик иншоот дунёга келган. Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.
— Сен, — деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, — Тожмаҳалани ҳам кўргансан. Қайси зўр?!
— Бу зўр-ов, — деди ҳамроҳи бинога назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди. — Бу зўр!
Тамом, вассалом! Бу зўр!
Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайдим шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгиликлар: Тошкентдан Хоразмга йўл олган “Жалолиддин Манғуберди” теозор поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан ялантирилди, Янгиерга борадиган 111 километрни янги темир йўли қурилиши, Самарқандга борадиган янги тезкор йўл, Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши... Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

Сўнгсўз ўрнида

Спорт ишқибозиман, Ишқибозлигимни биладиган Хайрулла деган журналист укам — тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

— Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалига йўллана олди, — деди у. — Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз?

— Энди, — дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, — мамлакатимизнинг Японияга менгаёз ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орузимизга эришдик. Футболчиларимиз финал йўлланишини кўлга киритди. Демак... Японияга менгаёз кетаямизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда, ривожланишимиз суръати кунчаки юрткиндан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!
Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ахтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИИД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шўҳрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz